

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
“ТАРИХ” КАФЕДРАСИ**

**51-16 гуруҳ талабаси Жулматов Шахзоднинг 5120300 - тарих таълим
йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

**“Мустақиллик йилларида Ўзбекистон – Туркманистон алоқалари ”
мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

Раҳбар: М. Исроилов.

Гулистон – 2020

Битирув малакавий иш Гулистон давлат университетининг 2020 -йил _____даги _____-сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат аттестация комиссиясининг _____ - сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва “ _____ ” балл билан (_____) баҳоланди.

(аъло, яхши, қониқарли)

Битирув малакавий иш “Ижтимоий-иқтисодий” факултетининг 2020-йил “ _____даги _____ - сонли Илмий-услубий кенгашининг қарори билан Давлат аттестация комиссиясига ҳимоя қилиш учун тавсия етилди.

Факултет декани: _____ т.ф.н. Тўйчибоев Б.Б.

Битирув малакавий иш “Тарих” кафедрасининг 2020-йил “ _____ ” _____даги _____ - сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва ҳимояга тавсия етилди.

Кафедра мудири: _____ С. Қудратов.

БМИ бажарувчи “5120300-Тарих” таълим йўналиши _____ гуруҳ талабаси _____

Раҳбар: . _____ М. Исроилов.

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.

I-БОБ. Ўзбекистон ва Туркменистон Республикаларининг минтақавий хавфсизлик тизимидаги ўрни.

1.1. Ўзбекистон ташқи сиёсати принципларининг яратилиши.

1.2. Ўзбекистон ва Туркменистонинг Марказий Осиё минтақасидаги стратегик ўрни.

II-боб. Ўзбекистон ва Туркменистон алоқалари босқичма-босқич такомиллашув йўлида.

2.1. Ўзбекистон -Туркменистон сиёсий ва стратегик алоқалар тизимида.

2.2. Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, XX асрнинг охирида Марказий Осиё давлатлари мустақилликни қўлга киритиб жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъектига айлагишди. Минтақа давлатлари эски даврдан қолган муаммоларни бартараф этиш, тараққиёт учун зарур имкониятлардан унумли фойдаланиш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш заруратидан келиб чиқиб турли жабҳаларда фаол ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Бунда Ўзбекистон ва Туркменистон давлатлари ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутди.

Буни Президентимиз Ш. Мирзиёев қуйдагича таъкидлайди: - “Мамлакатимизнинг миллий манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Марказий Осиё минтақаси Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши ҳисобланади. Биз ўзимизнинг яқин қўшниларимиз билан очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб боришга содиқ қоламиз¹”.

Демак давлатимизнинг қўшни Туркменистон давлати билан ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳам миллий ҳам минтақавий манфаатларга жавоб беради ва бу ҳамкорликни ривожлантириш илмий изланишларни талаб қилади.

БМИнинг мақсади: Ўзбекистон ва Туркменистон республикаларининг сиёсий, стратегик, иқтисодий ва маданий жабҳалардаги ҳамкорлик алоқалари ва мазкур алоқаларнинг истиқболини ёритиш ҳисобланади. БМИ мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

-Мавзу бўйича мавжуд тадқиқотлар ва ҳужжатларни таҳлил қилиш;

¹ Ш. Мирзиёев. Йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босиқчига кўтарамиз.Т.Ўзбекистон. 2017, 19-б.

- Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик жараёнидаги имкониятлар ва ютуқларни ўрганиш;

-Ўзбекистон ва Туркменистон алоқаларининг Марказий Осиё минтақасидаги интеграцион жараёнлар ва хавфсизлик тизимидаги ўрнига баҳо бериш;

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.

Ўзбекистон ва Туркменистон республикаларининг миллий ва минтақавий манфаатларни инобатга олиб турли жабҳаларда олиб бораётган ҳамкорлик алоқалари борасида кўпгина тадқиқотлар мавжуд. Мазкур тадқиқотларда ҳар иккала давлатнинг стратегик ўрни , ривожланиш имкониятлари ва мазкур имкониятлардан фойдаланиш йўлидаги алоқалари атрофлича таҳлил қилинган. Маҳаллий тадқиқотчилардан, Ш. Арифханов¹, Ғ. Мирзаев², Э. Нуриддинов³, С. Сафоев⁴, Р. Алимов⁵, М. Рахимовлар⁶нинг илмий изланишлари энг йирик тадқиқотлар ҳисобланса, Россия федерациясида Е. Троицкий⁷ ва Г. Джамиева⁸лар тадқиқотлари энг йирик тадқиқотлардан ҳисобланади.

¹ Ш. Арифханов.Центральная Азия: настоящее и будущее. Т. Адабиёт учқунлари. 2018.

² Ғ. Мирзаев. Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи. Т. Шарк зиёкори. 2018.

³ Э.Нуриддинов . Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти: асослари ва устувор йўналишлари. // Ўзбекистон тарихи. – Т.: 2000 , №4.

⁴ С. Сафоев . Марказий Осиёда геосиёсат. Т. ЖИДУ.2005

⁵ Алимов Р. М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарк . 2005.

⁶ Рахимов М.А. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Т.: Адабиёт учқунлари. 2016.

⁷Е . Троицкий . Центральная Азия в системе международных отношений(1992-2009 гг.). Томск. 2010.

⁸ Г. Джамиева. История становления и развития Туркменистана как нейтрального государства(1995-2015 гг.). М. Дрофа. 2017.

Мавзунинг илмий янгилиги, Ўзбекистон ва Туркменистонинг минтақа хавфсизлик тизимида муҳим ўринга эгалининг эътироф этилиши, шунингдек ривожланиш учун мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш йўлидаги ҳамкорлик алоқаларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганлигининг кузатилиши ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси. БМИга, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва нутқлари, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари назарий асос қилиб олинди. Шунингдек, тадқиқот иши билиш усуллари – кузатиш, тизимли таҳлил, умумлаштириш, таққослаш методлари асосида тадқиқ этилган.

Ишнинг амалий аҳамияти : Ушбу ишдаги назарий хулосалар, мулоҳазалар, далил-асослар, таклифлар ва тавсиялар минтақавий хавфсизлик муаммолари, ЕХХТ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари, Ўзбекистон тарихи, Жаҳон тарихи, Геосиёсат, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати масалалари билан боғлиқ фанларни ўрганувчи талабаларга кўшимча адабиёт сифатида қўл келиши мумкин.

БМИ кириш, икки боб, хулоса, тақдимот ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. Ўзбекистон ва Туркменистон мақсадлар ва манфаатлардаги умумийликлар.

1.1. Ўзбекистон ташқи сиёсати принципларининг яратилиши.

XX аср 90-нчи йилларига келиб социалистик дунёнинг етказиси бўлган СССР тарқалиб кетди, социалистик тизим ҳалокатга учради. Варшава шартномаси ташкилоти тарқалиб кетди, дунёда янги мустақил давлатлар вужудга келди. Шу жумладан, Ўзбекистон давлати ҳам бунёд этилди.

Халқаро муносабатларда жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй берган бўлса – да, тинчликка таҳдид солувчи хавф – хатарлар, зиддиятлар сақланиб қолмоқда эди. Ривожланиши ҳар хил бўлган давлатлар ўртасида ижтимоий – иқтисодий нотенглик ва зиддиятлар, бир қатор минатақаларда ҳатто бир мамлакат фуқаролари ўртасида миллий – этник ва диний низолар келиб чиқиб можароларга қонли урушларни давом этиши, халқаро хавфсизликка диний экстремизм ва фундаментализм таҳдидларининг мавжудлиги, ядро қуролланиш пойгасининг кучайиши ўулар жумласидан.

Мана шундай мураккаб вазиятда Мустақил Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини белгилаб олиши керак эди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган пухта ташқи сиёсий йўлни белгилаш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий, илмий – техникавий, дипломатик, маданий ва бошқа кўринишдаги алоқалар ўрнатиш масалалари ўта долзарб вазифа бўлиб турар эди.

Энг муҳими шуки, мустақилликнинг дастлабки йиллари-республиканинг ўз тараққиёт йўлини фаол излаш, Ватанимизни эркин, кучли ва равнақ топаётган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди. Бу йўлнинг амалий самарасини давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига кириб келишининг дастлабки вақтлариданоқ биринчи навбатда тинчлик ва дўстона муносабатларни йўлга қўйиши билан боғлаш мумкин. Негаки фақат тинчлик йўллари орқалигина ҳар бир мамлакатлар ўз истиқлол йўлини белгилаш

билан бир қаторда, жаҳонда ўз нуфузига эга бўлиши мумкин. Биз танлаб олган тараққиёт йўли конституцион асосга эга. Бу йўл Ўзбекистондаги барча аҳоли манфаатларига ҳар жиҳатдан мос тушади. Айнан шундай йўл ўзбекистонликларнинг муносиб турмуш кечириши учун кафолат бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IV боби «Ташқи сиёсат» деб номланади ва 17 моддада бу борада қуйдагилар ёзилиб қўйилган «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин»¹.

Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида белгилайдиган, республиканинг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга соладиган қонунлар қабул қилинди.

«Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида» ги, «Хорижий инвесторлар ва инвестицияларга кафолат бериш тўғрисида» ги ва бошқа қонунлар ҳамда норматив ҳужжатлар ана шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси фаол ва кенг қўламли ҳамкорлик учун ҳуқуқий кафолат яратиб берди. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички қонунлардан устунлиги республика қонунчилик фаолиятида ўз ифодасини топмоқда. Биринчидан, республика қонунлари халқаро ҳуқуқ нормаларига доимо мувофиқлаштирилмоқда ва яқинлаштирилмоқда. Иккинчидан, давлатимиз халқаро нормаларнинг бажарилишини кафолатлайдиган ҳамма мажбуриятларини ўз зиммасига

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон, 2017,6-б.

олган. Ўзбекистон дунё учун очик мамлакат бўлиб, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади.

Ўзбекистон ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўлни белгилашда жаҳон тажрибасидан фойдаланилди, мамлакатмиз, халқимиз хусусиятлари ва манфаатлари ҳисобга олинди. Давлатимиз ўзининг ташқи сиёсатида миллий ва халқаро манфаатлар ва кадриятларга тамойилларга тўла амал қилиб келмоқда. 1992 йил 2 мартда Ўзбекистон Республикаси ўз тарихида биринчи бор халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) аъзолигига қабул қилинди. 1993 йил феврал ойида Тошкентда БМТ ваколатхонаси таъсиси этилиб, иш бошлади. Бугунги кунда БМТ нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси республикада БМТнинг тараққиёт дастури, саноат тараққиёти дастури, қочоқлар иши бўйича вакиллари Олий комиссари, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, аҳоли жойлашиш жамғармаси, наркортикларни назорат қилиш бўйича дастур, болалар жамғармаси сингари ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштиради. Давлатимизнинг жаҳон халқлари тинчлиги ва хавфсизлигига мос бўлиб тушган тинчликсевар ташқи сиёсати унинг жаҳонда мустақил давлат сифатида тан олиншини таъминлади.

Халқаро майдонда Ўзбекистон ўзининг кенг аҳамият касб этган ташаббуслари билан чиқмоқда. Масалан Марказий Осиёни ядро куролидан холи зонага айлантириш, Афғонистон атрофидаги муаммони ҳал қилиш, наркобизнес ва наркотрафик халқаро терроризм ва экстремизмга қарши кураш масалалари ва бошқалар. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида унинг МДХ давлатлари билан сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликлари алоҳида ўрин эгаллайди. МДХ олдида турган муаммоларни ечиш учун ҳамдўстлик мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқлари тез-тез учрашиб, муҳим ҳужжатлар ва тадбирлар ишлаб чиқадилар. МДХ доирасида Марказий Осиёдаги ҳамсоя давлатлар Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистон билан ҳам сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар

ривожланиб бормоқда. 1993 йилнинг январида Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Тошкент учрашуви ташкил этилди. Олий даражадаги бу учрашувда Марказий Осиё Ҳамдўстлигига асос солинди. Беш давлат раҳбарлари Ҳамдўстлик ҳақидаги битмага имзо чекишди. Шу тариқа жаҳон сиёсий лексиконида «Марказий Осиё» деган янги атама пайдо бўлди¹.

Қуйидаги асосий тамойиллар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига уни амалга ошириш йўллари белгилашга негиз қилиб олинган.

1. Ўзининг миллий-давлат манфаатлари устун бўлгани ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш. Бизнинг мустақил давлатимиз бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсунуш учун мустақил бўлгани йўқ.

2. Республика давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда умумбашарий қадриятларни устун қўйиб халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун, можароларни тинч йўл билан этиш учун курашади. Ўзбекистон ядросиз минтақа бўлиб қолади, тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кириш нияти йўқ.

3. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, хужум қилмаслик ҳақидаги, низоли масалаларни ҳал этишда куч ишлатишдан ва куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан воз кечиш тўғрисидаги халқаро ҳужжатларни тан олади ва уларга оғишмай риоя қилади.

4. Республиканинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидалари асосида қурилади. МДҲда, бутун ташқи сиёсатда ва бизни шиоримиз тенглар орасида тенг бўлиш, “катта оға” нинг қош-қовоғига қараб иш тутишдан узил-кесил ва абадул-абад халос бўлишдир.

¹ Ш. Арифханов. Центральная Азия: настоящее и будущее. Т. Адабиёт учкунлари. 2018, 28-б.

5. Мафкуравий қарашлардан қатъи назар ташқи сиёсатда очиқ-ойдинлик тамойилини рўёбга чиқаришга ва барча тинчликсевар давлатлар билан кенг ташқи алоқаларни ўрнатишга интилади.

6. Ўзининг миллий ҳуқуқий тизимини вужудга келтираётган ёш мустақил Ўзбекистон, ички миллий қонунларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини тан олади. Бизнинг мустақил давлатимиз ўз қиёфасининг йўқотмай, жаҳон ҳамжамиятига кирар экан, халқаро талабларга риоя қилишга тайёрдир.

7. Ўзбекистон тўла ишонч тамойиллари асосида ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш учун, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш учун ҳаракат қилади. Ўзбекистон ўзининг ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда юқорида айтиб ўтилган тамойилларга қатъий риоя қилади, уларни бойитиб ва кенгайтириб бориб, ташқи сиёсий ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий йўналишларини қатъият ва изчиллик билан турмушга тадбиқ этади¹.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида Ҳамдўстлик мамлакатлари билан икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш алоҳида ўрин тутади. Икки томонлама ҳамкорлик деганда, икки давлат ўртасидаги, яъни Ўзбекистоннинг бошқа бир мамлакат билан давлатлараро алоқаларини йўлга қўйиш ва чуқурлаштириш жараёни тушунилади. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг кўп томонламалиги ва очиқлиги иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан мустаҳкам ўзаро фойдали муносабатларни ўрнатишга қаратилган ёндашувларни белгилаб беради. Иқтисодий омиллар Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади. Бутун ташқи

¹ Нуриддинов Э.З. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти: асослари ва устувор йўналишлари. // Ўзбекистон тарихи. – Т.: 2000, №4, 27-б.

иқтисодий фаолиятимизни ташкил этишни чуқур ислоҳ қилишга тўғри келади. Республиканинг катта экспорт имкониятлари Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига чиқишини таъминлашнинг, халқаро ҳамжамиятда мавқеларнинг мустаҳкамланиши ва унинг миллий валютаси тан олиншининг муҳим омили ҳисобланади. Ўзбекистоннинг қулай географик жойлашуви, юксак интеллектуал салоҳияти, бой табиий ресурслари, барқарор иқтисодиёти, чет эл сармоясини жалб этиш ва ундан фойдаланиш бўйича пухта шаклланган механизм бугун энг ривожланган мамлакатларни ҳам юртимиз билан фаол ҳамкорлик қилишга чорламоқда. Ўзбекистоннинг тинчлик ўрнатишга қаратилган изчил сиёсати натижасида унинг Марказий Осиё минтақасидаги осойишталик ва барқарорликнинг кафили сифатидаги мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ва ўз таракқиёт истиқболлари жиҳатдан қулай жуғрофий стратегик мавқега эга қадим замонларда Шарқ билан Ғарбни боғлаб турган Буюк Ипак йўли Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган ташқи алоқалар ҳамда турли маданиятларнинг бирини-бири бойитиш жараёни жадал кечган. Ўзбекистон эса қисқа вақт ичида мустақил давлат сифатида мустақил ташқи сиёсат олиб бора олишини амалда исботлади. Бу - жаҳон сиёсатида давлатнинг нуфузини белгиловчи муҳим мезондир.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати методологияси, назарияси Президент Ш. Мирзиёев томонидан 2017 йил 7 февраль куни ишлаб чиқилган ва изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этилаётган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги фармони томонидан янада мустаҳкамланди. Стратегиянинг бешинчи устувор йўналиши мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган,

минтақавий хавфсизликни янада мустаҳкамлашни мақсад қилган ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишни белгилаб берди¹.

Бу ҳужжат ўзидан аввалги энг муҳим ҳуқуқий қафолатлар , жумладан ташқи сиёсий фаолият Концепциясининг мантиқий давоми бўлди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсати учун ўта долзарб бир паллада қабул қилинди².

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясининг қабул қилиниши, шак-шубҳасиз, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга, мамлакатимизнинг ривожланган демократик давлатлар сафидан жой олишига, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратишга яқиндан кўмаклашади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепцияси ўтган мустақил тараққиёт йиллари давомида мамлакатимизда ташқи сиёсат борасида тўпланган миллий тажрибани умумлаштириш, қолаверса, илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳозирги даврнинг мураккаб хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ўрта ва узоқ муддатли стратегик мақсад ва вазифаларини ўзида мужассам этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль куни имзолаган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” фармони.

² Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. – Т., 2012. – № 9/1 (1437) .

1.2. Ўзбекистон ва Туркменистонинг Марказий Осиё минтақасидаги стратегик ўрни.

Марказий Осиёнинг қайтадан вуждга келиши инсоният охириги ўн-ўн беш йил мобайнида бошдан кечирган кўплаб драматик ўзгаришлар ва кескин бурилишлар орасида, шубҳасиз, энг муҳимлари қаторига киради. Минтақа асрий сиёсий йўқликдан қайтди ва яна бир бор халқаро ҳаётнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлди. Боз устига, у бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг диққат марказида турибди.

«Марказий Осиё» атамаси биринчи марта таниқли немис олими, географ Александр фон Гумбольдт томонидан 1843 йили Парижда нашр этилган уч жилдли «Марказий Осиё. Тоғ тизмаларини тадқиқ қилиш ва иқлимларни таққослаш» асарида қўлланилган эди. Унда олим ички суғориш системасини ва тоғ тизмаларини ўрганиб, Марказий Осиёни алоҳида, ўзига хос минтақа сифатида ажратди¹.

Шундан сўнг «Марказий Осиё» тушунчаси узоқ вақт мобайнида, то сўнгги давргача геосиёсий тушунча сифатида эмас, балки асосан тарихий ёки географик атама сифатида қўлланилиб келинди. Боз устига, минтақанинг чегаралари ҳам, унинг таркиби ҳам аниқ эмас эди. Ҳатто унинг номи ҳам турли тарихий даврларда ва халқларда ҳар хил аталган. Марказий Осиё чегаралари ҳар хил белгиланганлиги ва у ҳар хил номлар билан аталганлигига қарамай, барча тадқиқотчилар бир нарсада яқдил эдилар - минтақа жаҳон тараққиётида тарихан жуда муҳим рол ўйнаб келган. Бугунги кунда мазкур минтақани фақат география, иқлим, умумий тарихий ва цивилизацион илдизларгина бирлаштирмайди. Минтақа мамлакатлари қарши турган хавф-хатарлар ва муаммолар ҳам умумийдир. Уларнинг келиб чиқиши ва хусусияти Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари айнан шу композицияда бирга иш олиб боришини ва ҳамкорликни институциявийлаштиришни тақозо этади. Бундан минтақадаги бир

¹ С. Сафоев . Марказий Осиёда геосиёсат. Т. ЖИДУ.2005, 14-б.

давлатнинг четда туриши ҳам барча ҳаракатларни йўққа чиқариши мумкин. Минтақа тараққиёт учун катта имкониятларга эга. Бу имкониятларни икки давлат Ўзбекистон ва Туркменистон республикалари мисолида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги юксак мавқеи ва аҳамияти субъектив баҳолар билан белгиланмайди, балки стратегик хусусиятга эга бўлган объектив омилларга асосланади. Биринчидан, Ўзбекистон - минтақадаги энг кўп аҳоли яшайдиган давлат. Бу ерда қарийб 35 миллион киши истиқомат қилади. Бу Марказий Осиёнинг барча собиқ совет республикалари аҳолисидан озгина камроқдир. Бу ҳолат минтақада Ўзбекистоннинг демографик улуши анча катта эканлигини кўрсатади. Минтақанинг қолган барча олти мамлакатидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон бир хилм гомоген аҳоли таркибига эга. Бу ерда аҳолининг 85% ни титул миллат вакиллари ташкил этади. Бу ўтиш даври шароитида ички ҳамжиҳатликни таъминлашнинг муҳим омилдир.

Умуман олганда, ўзбеклар Марказий Осиёдаги энг кўп сонли миллат ҳисобланади. Ўзбекистондан ташқарида етти миллионга яқин ўзбек яшайди. Шулардан уч ярим миллиони Марказий Осиёнинг собиқ совет республикаларида истиқомат қилади. Бу мамлакатларнинг ҳар бири ўзбеклар ғуж бўлиб яшайдиган муайян ҳудудларга эга. Тожикистонда аҳолининг 25%, Қирғизстонда - 15%, Туркменистонда - 10%, Қозоғистонда - 3% га яқинини ўзбеклар ташкил этади. Турли баҳолашларга кўра, Афғонистонда 2-2,5 миллион ўзбек яшайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, жаҳон миқёсидаги ёки минтақавий йирик давлатларнинг биронтаси билан ҳам бевосита чегарадош эмас. Геосиёсий нуқтаи назардан бу, шубҳасиз, муҳим устунликдир. Бошқа томондан, Ўзбекистон минтақанинг беш мамлакати билан умумий чегарага эга бўлган ягона давлат ҳисобланади. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида, қоқ марказида жойлашганлиги айнан шу ҳолат билан белгиланади.

Учинчидан, Марказий Осиёда қачондир мавжуд бўлган ва давлатчилик, фан, маданиятнинг ривожланишида сезиларли из қолдирган барча асосий давлат тузилмаларининг пойтахтлари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон ва Тошкент маданиятларининг цивилизация таъсири ўтмишда мамлакат ҳудудидан ташқарида ҳам жуда кучли бўлган. Бу шаҳарлар асрлар давомида Марказий Осиёда ва Евросиёнинг бошқа ҳудудларида ислом таълими, илоҳиёти ва диний раҳбариятининг марказлари бўлиб келган.

Ниҳоят, Ўзбекистон минтақада энг ривожланган иқтисодий салоҳият, коммуникациялар инфратузилмаси ва малакали меҳнат ресурсларига эга. У шунингдек табиий ресурсларга ҳам бой ўлкадир. Бу ресурсларнинг аксарияти ўз кўрсаткичларига кўра бетакрордир. Экспертларнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 50 номдаги минерал ресурслар қазиб олинади. Уларнинг баҳоланган қиймати 3,3 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Мамлакат олтин ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда олдинги ўринларда (қазиб олиш бўйича еттинчи ва захираси бўйича тўртинчи ўринда) туради. Ўзбекистонда рангли металлларнинг қирққа яқин кони бор. Олтиннинг баланс захиралари 5,3 минг тоннани ташкил этади. Ўзбекистон мис ва уран ишлаб чиқариш бўйича жаҳоннинг пешқадам ўн мамлакати қаторига киради. У кумуш, рух, кўрғошин ва вольфрам захиралари бўйича ҳам жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди¹.

Мамлакат анча катта энергетик салоҳиятга эга. Мутахассисларнинг фикрича, текширилган табиий газ захиралари мамлакат эҳтиёжларини 30 йилга, нефть захиралари эса - 25 йилга қоплайди. Ўзбекистон ҳудудида умумий захиралари тўрт миллиард тоннадан кўпроқ бўлган 160 дан ортиқ нефть конлари мавжуд. Конденсацияланган газ захиралари 630 миллиард тоннани, табиий газ захиралари эса - 5,5 триллион кубометрни ташкил этади. Аниқланган кўмир захиралари 2 миллиард тоннадан ортиқ.

¹ С. Сафоев . Марказий Осиёда геосиёсат. Т. ЖИДУ.2005, 19-б.

Ўзбекистон пахта етиштириш бўйича жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Ушбу стратегик хом ашёни экспорт қилишда Ўзбекистон жаҳонда АҚШдан кейин иккинчи ўринда туради. Марказий Осиёда жўғрофий-сиёсий жиҳатдан марказий ўрин тутган Ўзбекистон, кучлар тенглиги ва мувозанатини таъминлаш, стратегик муҳим бўлган ушбу минтақада ҳамкорликка мустаҳкам замин яратиш жараёнида сезиларли роль ўйнаш учун ҳамма имкониятларга эга. Кўрсатилган омиллар мажмуи Ўзбекистоннинг минтақадаги нафақат мавқеини, балки Марказий Осиёдаги ҳолат учун унинг алоҳида масъулиятини ҳам белгилайди.

Юқорида зикр этилган демографик, геосиёсий ва геоиқтисодий омилларга кўра, бу мамлакат минтақадаги ҳар бир давлат ва бутун Марказий Осиё барқарор ривожланишидан кўпроқ даражада манфаатдордир. Кўп жиҳатли минтақавий ҳамкорликнинг муваффақиятли ривожланиши аввало Ўзбекистон манфаатларига мос келади. Айни вақтда, айнан Ўзбекистон ўз ўрни ва мавқеига кўра Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларининг боришига ҳаммадан кўпроқ таъсир кўрсатиши мумкин.

Туркменистон Республикаси - Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбида жойлашган давлат. Майдони 488,1 минг км². Аҳолиси 5,113 млн. киши (2013). Маъмурий жиҳатдан 5 вилоятга, вилоятлар этрап (туман)ларга бўлинади. Амалдаги Конституцияси 1999 йл 18 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (2007 йилдан Гурбангули Бердимухамедов). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Мажлис (парламент), ижрочи ҳокимиятни Вазирлар Маҳкамаси (ҳукумат) амалга оширади. Аҳолисининг аксарияти туркманлар; шунингдек, рус, ўзбек, қозоқ, татар, украин, арманлар ҳам яшайди. 1991 йил октябрда Мустақиллик ҳақида декларация қабул қилинди, мамлакат Туркменистон деб атала бошлади. Туркменистон — 1992 йилдан БМТ аъзоси, 1993 йил 7 январда Ўзбекистон Республикаси суверенитетини тан олган ва дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 27 октябр. — Мустақиллик куни (1991).

Туркменистон — аграр индустриал мамлакат. Миллий даромад таркибида саноатнинг улуши 50%, қишлоқ хўжалигиники 18%, хизмат кўрсатиш соҳасиники 32%. Саноатининг етакчи тармоқлари: газ ва нефт қазиб чиқариш, энергетика, кимё, машинасозлик, енгил (қишлоқ хўжалиги. хом ашёсини қайта ишлаш), озиқ-овқат (ёғмой, виночилик), бинокорлик материаллари саноати. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Унда пахтачилик асосий ўрин эгаллайди. Воҳаларда ва тоғ ён бағирларида етиштирилади (асосан, ингичка толали пахта). Трубопровод транспорти мавжуд. Нефт ва газ қувурлари, жумладан, Вишка — Туркманбоши, Челекен — Туркманбоши нефт қувурлари мавжуд. Туркменистон четга табиий газ, нефт ва нефт маҳсулотлари, пахта, минерал ўғит ва бошқа чиқаради. Туркменистоннинг Ўзбекистон билан ташки савдо айланмаси 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 17,3% ортди ва давлатимиз ташки савдосидаги улушининг 1,3% ни ташкил этди¹.

Мамлакат ҳудуди катталиги жиҳатидан минтақада иккинчи ўринда туради. Лекин мамлакат майдонининг 90% ни Қорақум саҳроси эгаллайди. Туркменистон минтақа мамлакатлари орасида энг кам аҳоли яшайдиган мамлакат. Унда беш миллиондан камроқ аҳоли яшайди. Энг йирик миллий гуруҳлар -ўзбеклар ва руслар. Мамлакатдаги суғориладиган ерларнинг ярмига пахта экилади. Туркменистон пахта етиштиришда дунёда пешқадамлик қилувчи ўн мамлакат қаторига киради. Газ саноати мамлакат иқтисодиётининг бош сектори ҳисобланади. Туркменистон табиий газ захиралари жиҳатидан жаҳонда бешинчи ўринни эгаллайди. Лекин унинг асосий геоиқтисодий муаммоси жаҳон энергетика бозорларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятининг йўқлигидир. Натижада туркман газини сотиш Россия, Украина, Грузия товарларининг етказиб берилиши ва валюта билан ҳақ тўлашни ўзида мужассамлаштирган мураккаб схемаларга асосланмоқда.

Мамлакат ўз ташқи сиёсатида «позитив нейтралитет» йўлини тутмоқда.

¹ Алимов Р. М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарк . 2005, 37-б.

Эслатиб ўтамиз. БМТ Бош Ассамблеяси 1995 йил 12 декабрдаги 50-юбилей сессиясида Туркменистоннинг доимий бетарафлиги хусусида резолюция қабул қилди. Бетарафлик мақоми Туркменистонга халқаро муносабатларнинг мустақил субъекти сифатида миллий манфаатларни рўёбга чиқаришнинг самарали йўлларини топиш имконини берди. Гурбангули Бердимухамедов Президент лавозимида фаолиятини бошлагач, Туркменистоннинг бетарафлик мақоми сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойиди. Гурбангули Бердимухамедов 2007-йил БМТ минбаридан Туркменистоннинг халқаро ҳамжамият учун очиклиги, мамлакатнинг бошқа давлатлар билан кенг кўламли ҳамкорликка тайёр эканини баён қилиб, бетарафлик ўз қобиғига ўралиб қолиш, халқаро муносабатлар ва ҳамкорлик алоқаларидан ўзини тийиш деган тушунчаларга чек қўйди. Бу билан Туркменистоннинг янги ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берди¹.

Кузатувчилар фикрларига кўра, Туркменистоннинг бетарафлик модели минтақавий бақарорлик ва халқаро цивилизацион мулоқотга ҳам кўмак бермоқда. Алоҳида мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик туфайли расмий Ашхобод БМТ томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бунга далил сифатида БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йил 3 июндаги 69-сессиясида Туркменистоннинг доимий бетарафлиги хусусида яна бир резолюция қабул қилинганини қайд этиш мумкин².

2017 йил 12 декабрь куни Туркменистон Бетарафлик халқаро ҳуқуқий мақомини олганига 22 йил тўлди. Мазкур сана муносабати билан Президент Гурбангули Бердимухамедов Туркменистон халқига табрик йўллади.

¹Е. Троицкий . Центральная Азия в системе международных отношений(1992-2009 гг.). Томск. 2010, 78-б.

²Махмудов А. Проблемы региональной безопасности и регионального сотрудничества в политике США в постсоветской Центральной Азии //Центральная Азия и Кавказ. 2015, № 3,113-б..

Табрикда мазкур тарихий сана асрлар давомида дўстлик ва яхши кўшничлик муносабатларига содиқ бўлиб келган мамлакат нуфузини янада ошириш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилиши таъкидланади. “Мамлакатимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси томонидан икки карра тан олинган Бетарафлик ҳуқуқий мақоми ички ва ташқи сиёсатимиз асосини ташкил этади. Бетарафлик иқтисодиётнинг жадал тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини изчил таъминлашнинг асосий шартларидан биридир”, – дейилади табрикда. Қайд этилишича, Туркманистоннинг турли йилларда БМТнинг Фан ва техника комиссияси ҳамда Ижтимоий тараққиёт қўмитасига сайланиши ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг халқаро эътирофи саналади.

“Туркманистоннинг бетарафлиги халқларни жипслаштириб, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги йўлларини очади. Замонавий ҳаво бандаргоҳлари, автомобиль йўллари, транзит-транспорт коридорларини қуриб, биз халқимизнинг кўп асрлик тинчлик ва дўстлик анъаналарини янада бойитмоқдамиз. Бетарафлик куни арафасида Серхетабат–Тургунди темирйўлининг фойдаланишга топширилгани тарихий воқеа бўлиб, бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизни бутун дунёга намоён этиб, мустақил туркман давлати нуфузини оширди”, – дейилади Туркманистон Президенти табригида. Туркманистон раҳбарига кўра, замонавий дунёдаги янги шарт-шароитлар, глобаллашув жараёнларини инобатга олиб, расмий Ашхобод Осиё-Тинч океани минтақаси, Ўрта ва Яқин Шарқ, Европа ва Америка давлатлари билан кўп томонлама ҳамкорликни кўллаб-қувватлайди. БМТ, ЕИ, МДҲ, ШХТ, ЕХХТ, ИХТ, Қўшилмаслик ҳаракати каби халқаро тузилмалар билан алоқаларни мустаҳкамлайди¹.

Ашхобод бетарафлик мақомини сақлаб қолишдан манфаатдор ҳамда МДҲдан ўзини четга олишда давом этаяпти. Маълумки, Туркманистон

¹ Г.Джамиева. История становления и развития Туркменистана как нейтрального государства(1995-2015 гг.). М. Дрофа. 2017, 36-б.

Ҳамдўстликдан чиққанидан кейин мазкур бирлашманинг аъзоси сифатида эмас, балки шунчаки кузатувчи ўлароқ қолишда давом этаяпти.

Минтақада Туркманистон ташқи сиёсатида ҳам ўзига яраша муаммолар мавжуд. Шулардан асосийси Каспий денгизи акваторияси тақсимоти масаласидир. Туркманистон ва унинг Каспий қисмининг ёқилғи-энергетика заҳираларига бойлиги Каспий денгизи ва унинг бойликлари ва имкониятларидан фойдаланиш борасидаги геосиёсий рақобатларга сабаб бўлиб келмоқда. Бу борада Туркманистон позицияси ҳам ўзига хос.

Гурбангули Бердимухамедовнинг Каспий денгизда транспорт соҳасида ҳамкорлик бўйича битим ишлаб чиқиш, БМТнинг Транспортни ривожлантиришга доир минтақалараро махсус дастурини қабул қилиш, Туркманистонда БМТ Бош Ассамблеясининг Транспорт коридорлари тўғрисидаги резолюциясини амалга оширишга бағишланган минтақавий симпозиумни ўтказиш ҳақидаги таклифлари алоҳида эътиборга лойиқдир.

2018 йил 12 август куни Россия, Эрон, Озарбойжон, Қозоғистон ва Туркманистон президентлари Каспий денгизининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги конвенцияни имзолашди. ҳужжатга мувофиқ, ҳар бир мамлакат 15 денгиз милидан ортиқ бўлмаган кенгликда Каспий денгиздаги ўз ҳудудий сувлари чегарасини ўрнатади. Денгиз сув сатҳининг асосий майдони умумий фойдаланувда қолади, денгизнинг туби ва ерости бойликларини Каспий денгиз бўйи мамлакатлари ўзаро бўлишиб олади. Ушбу конвенция Каспий денгизда бегона мамлакатларнинг қуролли кучлари бўлишини тақиқлайди. Ҳужжат Россия, қозоқистон, Озарбайжон, Туркманистон ва Эроннинг Каспий мақоми бўйича нуқтаи назарларини бир нуқтага келиштирди. Соҳил бўйи мамлакатларининг бу борадаги баҳс-мунозаралари 22 йилдан бери давом этиб келаётган эди¹.

¹ Ш. Арифханов. Центральная Азия: настоящее и будущее. Т. Адабиёт учқунлари. 2018, 48-б.

Туркменистон Каспийнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши орқали ўзининг газ экспортини диверсификация қилишга ва шу тариқа туркман табиий газини ташқи бозорлар, жумладан Европа мамлакатларига чиқариш муаммосини ҳал қилишга умид қилмоқда. Шунингдек, Туркменистон мазкур Конвенция Каспий тубидан Озарбайжонгача Транскаспий газ қувурини қуриш ва Трансанатолий газ қувури (TANAP)га уланишга режаси мавжуд. Бу газ қувури Озарбойжондан Грузия ва Туркия орқали Греция чегарасига газ етказиб беришни кўзда тутуди, у ердан Жанубий Европага йўналган Трансадриатик газ қувурига йўл очилади. Энг оптимистик прогнозларга кўра, Озарбойжон табиий газини 2019-2020 йилларга бориб ана шу газ қувурлари орқали Европага етказилади. Бироқ халқаро майдондаги кескинликлар, жумладан Россия-Украина муносабатларининг кескинлашуви, Кавказ давлатлари ва Туркия томонидан қўйилаётган талаблар мазкур лойҳани тўлиқ ишга тушишига тўсқинлик қилмоқда. Марказий Осиёнинг яна бир муаммоси – Орол муаммоси бўйича ҳам Туркменистон қатъий позицияга эгадир. Орол денгизининг қуриши ҳам Туркменистоннинг шимолий минтақаларига катта зарба етказди ва ушбу мамлакатдаги "Дошоғуз" вилоятини экологик жидди фожеаларга юзма-юз этган. Туркменистон президенти Гурбангули Бердимухаммадов БМТ Бош ассамблеясининг 73 саммитида 2017 йил октябр ойида Орол денгизининг мушкулотлари ва сув ресурсларини тақсимлаш ҳақида Туркменистоннинг муносабатини бундай эълон қилганди: "Туркменистон табиий манбалардан оқилона фойдаланишга катта аҳамият қаратади. Ашхободнинг фикрига кўра, сув бутун дунё муштарак бойлигининг бир қисмидир, чунки сув ресурсларига эркин эга бўлиш барча мамлакатларнинг ҳаққидир. Мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳамда яшаш кайфиятини оширишда сувни тўғри бошқариш ва унга эга бўлишга бевосита боғлиқдир. Бинобарин тенглик, масъулиятни ҳис этиш ва ўзаро бири-бирига ҳурмат-эҳтиром зоҳир этиш Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги алоқаларда муҳим омил саналади. Халқаро қонунларга риоя этиш, минтақа

мамлакатларининг миллий манбаларига эътибор қаратиш ва ушбу заминада халқаро ташкилотларнинг фаолият олиб бориши сув масаласини ҳал этувчи учта муҳим ечим ҳисобланади ва бу эса Туркманистоннинг талабидир. Ашхобод халқаро ташкилотлар ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида тасирчан ҳамкорлик қилиш механизмини ижод этишни давом эттиради¹".

Туркманистоннинг нейтраллиги биринчи навбатда Каспий ҳавзаси ёқилғи-энергетика захиралари учун геосиёсий рақобатнинг ўткирлашувини олидини олса, иккинчидан нейтраллик орқали Каспийга ва Марказий Осиё давлатлари ички ишларига ташқи кучларнинг аралашув имкониятини пасайтиради. Энг муҳими бетарафлик позицияси Туркманистон учун ички ва ташқи сиёсатга таяниб, қулай геосиёсий вазият ҳамда улкан табиий бойликлар, қолаверса, илмий салоҳиятдан фойдаланиб мамлакат дунёнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишига хизмат қилувчи омиллардандир.

¹ Ғ. Мирзаев. Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи. Т. Шарқ зиёкори. 2018, 21-б.

II-боб. Ўзбекистон ва Туркменистон алоқалари босқичма-босқич такомиллашув йўлида.

2.1. Ўзбекистон -Туркменистон сиёсий ва стратегик алоқалар тизимида.

Ўзбекистон Республикасининг танчликпарварлик, умуминсоний кадриятлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ташқи сиёсати Марказий Осиё минтақасидаги интеграцион жараёнларда муҳим ўрин тутиб келмоқда. Ўзбекистон яқин қўшниларига нисбатан очиқ, хайрихоҳ ва дўстона сиёсатнинг қатъий тарафдорлигича қолади. Ушбу фикр, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам мустаҳкамланган. Хорижий экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Республикасининг прагматик ва конструктив сиёсати самарасида минтақада жуда қисқа вақт ичида янгича сиёсий реаллик шаклланди. Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги давлатлараро муносабатлар манфаатларни ўзаро ҳисобга олиш ва ҳурмат қилиш, икки томонлама очиқлик ва сиёсий ишонч сингари хусусиятларнинг янада мустаҳкамланиши билан сифатлана бошлади.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш масалалари бўйича улкан келишувларга эришилди. 2016 йилнинг августидан 2018 йил июль ойига қадар Ўзбекистон ҳукумати делегацияси қўшни мамлакатлар билан жами 63, жумладан Қозоғистон билан 17, Қирғизистон билан 27, Тожикистон билан 9, Туркменистон билан 9 ва Афғонистон билан 1 учрашув ўтказди¹.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, нафақат чегараолди муаммоларнинг ҳал этилиши, балки, минтақавий ҳамкорликнинг савдо, транспорт, энергетика ва

¹ А. Соибназаров. Ўзбек дипломатияси ютуқлар сари. Халқ сўзи. 2018 йил 21-август

хавфсизлик соҳалари фаоллашуви ҳам халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътиборига сазовор бўлмоқда. Ҳамкорликдаги ишлаб чиқариш соҳалари ва маҳсулотлар турини кенгайтириш келгусида Марказий Осиё мамлакатлари миллий иқтисодиётини ўстиришда янги локомотивга айланиши шубҳасиз.

Аввал айтиб ўтганимдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш масалалари мамлакатнинг ташқи сиёсатида янгича жадаллик касб этди. Мамлакат раҳбари 2017 йил сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-й сессиясида минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича Марказий Осиё мамлакатларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш борасида қуйидаги муҳим ташаббусларни таклиф қилди:

1) Мунтазам равишда Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини ўтказиш. Мазкур ташаббус минтақадаги барча давлатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва шу йилнинг март ойида Остона шаҳрида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг илк маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Умумминтақавий муаммоларни ҳамкорликда ҳал этиш чораларини қидиришга бўлган бугунги эҳтиёж шароитида мунтазам фаолият юритадиган майдончанинг ташкил этилиши минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш ва улар бўйича ўзаро мақбул ечимлар ишлаб чиқиш имконини беради.

2) БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, халқаро терроризм ва экстремизм илдизини бошқа омиллар билан бирга жаҳолат ва муросасизлик ташкил этади. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ҳамда бутун жаҳон жамоатчилигига Ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш энг муҳим вазифадир.

Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ШХТга аъзо мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланди. Жорий йилнинг июнь ойида ШХТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурининг қабул қилингани бунинг яққол далилидир.

Шунингдек, Президент 2017 йил ноябрь ойида Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида Марказий Осиё бўйича халқаро конференция доирасида киритган минтақавий ҳамкорлик тенденциялари ва яхши қўшничилик муносабатларини кучайтиришга йўналтирилган ташаббуслари ҳам эътиборга лойиқдир. Бугунги кунда ҳар қандай ҳудуднинг хавфсизлик муаммосини унинг иқтисодий ривожланиш масаласидан айро ҳолда кўриб чиқиб бўлмайди. Савдо-иқтисодий алоқаларни янада чуқурлаштириш, товар айланмасини ўстириш ва кооперацияни мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Минтақавий иқтисодий форумни ташкил этиш ҳамда Марказий Осиё давлатларининг ҳудудлари раҳбарлари бизнес ҳамжамиятининг ассоциациясини таъсис этишни таклиф этди. Бу борада шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида Чегараолди ҳудудлар кенгаши ташкил этилди ва муваффақиятли фаолият юритмоқда. Хусусан, жорий йилнинг март ойида Фарғона шаҳрида Ўзбекистон ва Қирғизистон чегараолди вилоятлари ҳокимлари (ҳукуматнинг ваколатли вакиллари) кенгашининг илк йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгаш чегараолди вилоятлар ўртасидаги икки томонлама алоқаларни мунтазам мониторинг ва таҳлил қилади ҳамда ҳамкорликни чуқурлаштиришга йўналтирилган таклифлар ишлаб чиқади¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи. – 2017. – 11 ноябрь.

Минтақадаги интеграцион жараёнларда ҳар бир қўшни давлатлар, жумладан, Туркменистон Республикаси билан дипломатик алоқаларнинг йўлга қўйилиши ва турли жабҳаларда ҳамкорликнинг олиб борилиши катта аҳамият касб этади. Туркменистон Республикаси 1993 йил 7 январда Ўзбекистон суверенитетини тан олган ва дипломатия муносабатлари ўрнатган. Дипломатик муносабатлар ўрантилишини асослаган ҳуқуқий ҳужжатларда томонлар бир-бирларининг суверенитети, ҳудудий дахлсизлигини эътироф этиши ва ҳурмат қилиши, ички ишларига аралашмаслиги, икки ўртадаги ҳар қандай муаммони тинч ва муроса тамойиллари асосида бартараф этиши, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиши каби халқаро тамойиллар ифодаланган эди. Ўзбекистон ва Туркменистонни асрлар давомида яқин маънавий қадриятлар, тил, дин, тарих, урф-одат ва анъаналарга асосланган мустаҳкам дўстлик ришталари ва яхши қўшничилик боғлаб туради. Қардош ўзбек ва туркман халқлари бир-бирининг адабиёти, маданияти ва санъатини яқиндан билади ва ҳурмат қилади. Аждодларимизнинг бой мероси ўзбек ва туркман халқларининг умумий бойлигидир. Бу омиллар турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни жадал ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам бирдек манфаатдор эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, икки давлат ўртасидаги анъанавий ишонч ва дўстликка асосланган алоқалар янги замон руҳида ривожланиб бормоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришни икки мамлакат ҳам устувор вазифа сифатида белгилаган. Икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган самимий ва ишончга асосланган муносабат, турли даражадаги мунтазам сиёсий мулоқотлар бунинг яққол далилидир. 1991 йилдан 2010 йилга қадар икки мамлакат раҳбарларининг 11 марта олий даражадаги ташрифлари амалга оширилди. Туркменистон Президенти Ўзбекистонга 6 марта келган бўлса, Ўзбекистон Президенти 5 бор Туркменистонга ташриф буюрган.

Мазкур ташрифлар чоғида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди. 2010 йилнинг октябр ойида навбатдаги олий даражадаги ташриф амалга оширилди – Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Икки мамлакат раҳбарларининг музокаралари якунида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган интилишларини тасдиқладилар ва икки дўст давлатнинг эришилган келишувларни самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро муносабатлари механизмларини ривожлантиришга интилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликка оид долзарб йўналишларни қамраб олган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган 150 дан ортиқ халқаро шартномалар икки мамлакат муносабатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Туркменистон сиёсий –дипломатик алоқалар йўлга қўйганидан сўнг, минтақадаги энг муҳим стратегик долзарб бўйича ҳам икки томонлама, ҳам минтақавий ва халқаро доираларда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Расмий Тошкент ва Ашхободнинг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистон муаммосини халқаро тузилмалар ва ушбу мамлакат билан қўшни давлатлар иштирокида ҳал этиш бўйича музокаралар жараёнини жадаллаштириш, халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш масалаларида қарашлари бир-бирига яқин ва ўхшашдир. Халқаро ташкилотлар доирасидаги, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги амалий ва самарали ҳамкорлигига мисол бўла олади.

Дастлаб чегаралар масаласи бўйича ўзаро статус -квога эришилди. Давлат чегараси давлатнинг суверен ҳокимияти ва ҳудуди чегараларини белгиловчи муҳим унсурлардан бири ҳисобланади. Давлатнинг хавфсизлиги асосан давлат чегарасининг хавфсизлиги қай даражада таъминлангани билан белгиланади. Аслида Собик СССР ҳудудида маъмурий-ҳудудий чегараларни махсус комиссия томонидан 1924 йилда тайёрланган демаркация режасига мувофиқ белгилаш ва бу борада давлатнинг кейинги сиёсати минтақани маъмурий-ҳудудий бошқариш борасида юзага келган одатдаги муносабатларни, бу ҳудудларда яшовчи халқларнинг (этнослар) ва умуман минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмасдан амалга оширилди. Мазкур режага асосан, «Ўрта Осиёда миллий қурилиш» замирида, В.В.Бартольд таъбири билан айтганда, «Ўрта Осиё халқларининг тарихий ривожланишига зид бўлган¹» принциплар ётар эди.

Чунки Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришганларидан сўнг давлат чегарасининг халқаро-ҳуқуқий расмийлаштирилиши фонида ҳужжатлар ва тарихий маълумотларга таянган ҳолда чегара чизиқларини қайта кўришга зарурат пайдо бўлди. Ўз-ўзидан равшанки, бундай шароитда ташқи кучларнинг чегаравий зиддиятлардан унумли фойдаланишларини олдини олиш учун ҳам чегаралар масаласи бўйича ўзаро дипломатик муроаса олиб борилиши давр талаби эди. Шу сабабли, Марказий Осиё минтақаси давлатларининг расмий нуқтаи назарига мувофиқ «статус-кво» ҳолатини сақлаб қолиш бу муаммонинг бирдан-бир оқилона ечими ҳисобланадики, бу МДХ ва Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилоти доирасида қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз тасдиғини топган. 1991 йилда қабул қилинган Олмаота декларациясида собик СССР доирасидаги аввалги маъмурий чегаралар дахлсизлиги ва улар ўзгартирилиши мумкин эмаслиги қайд этилган. Бу қоида Марказий Осиё ҳамкорлик ташкилотининг тегишли ҳужжатларида ҳам ўз тасдиғини топган.

¹ Рахимов М.А. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Т.: Адабиёт учқунлари. 2016, 224-б.

Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг Кенгаши 1993 йил 7 август да «Чегараларнинг дахлсизлиги тўғрисида» ва 1994 йил 15 апрелда «Ҳамдўстлик мамлакатларининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлигига риоя этиш тўғрисида» декларациялар қабул қилган. 1996 йил 16 январда имзоланган Давлат чегараларини кўриқлаш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим делимитация йўлида ташланган биринчи муҳим қадамдир. Мазкур Битимга биноан собиқ иттифоқдош республикалар ўртасидаги чегара чизиғи дахлсиз, деб эътироф этилди. Давлат чегараларини белгиловчи халқаро ҳужжатлар хусусида шуни қайд этиш лозимки, бундай шартномалар чегарани узил-кесил ўрнатиш мақсадини кўзлайди ва муваққат муддатга тузилмайди. Халқаро ҳуқуқ назарияси ва амалиётида мавжуд концепцияга биноан, чегарани ўрнатиш бундай ўрнатишнинг узил-кесиллиги ва барқарорлигини назарда тутди. Мазкур шартномаларда уларнинг қоидаларини бекор қилувчи шартлар бўлиши мумкин эмас. Чегара тўғрисидаги шартноманинг бир тарафлама бекор қилиниши ҳуқуққа зиддир. Тарафлар ўртасида уруш чиқиши ҳам чегара тўғрисидаги шартномани бекор қилмайди. Шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенциясининг 11-моддасида қайд этилишича, ҳуқуқий ворислик юзага келган ҳолда чегаранинг ўтиш чизиғи ва унинг режими билан боғлиқ халқаро мажбуриятлар бутунлай қайта кўрилиши мумкин эмас.

Мазкур мажбурият чегаралар ҳолатини белгилаш ҳуқуқий механизмнинг мавжудлиги унинг дахлсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланишидан далолат беради. Шу сабабли, Марказий Осиё минтақаси давлатларининг амалда мавжуд чегаралари ҳолатини ҳуқуқий белгилаш минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва Марказий Осиё мамлакатларининг миллий хавфсизлигига таҳдидлар олдини олиш йўлида ташланган яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

Чегараларнинг бузилмаслиги принципи – замонавий халқаро ҳуқуқнинг нисбатан янги принципи. Мазкур принцип минтақавий даражада илк бор 1975 й.да ЕХҲКнинг Яқунловчи актида мустаҳкамлаб қўйилди. Бу, авваломбор, урушдан кейинги Европа чегараларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш зарурияти билан изоҳланар эди. Бугун ушбу принцип Европа (минтақавий) ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг муҳим асосларидан бирини ташкил этади. 1991 йил декабрь ойида ЕИ аъзолари собиқ иттифоқдош республикаларни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принципларини, хусусан, чегараларнинг бузилмаслиги принципини таъминлаш борасида мажбуриятларни бажаришга содиқ қолсаларгина, уларнинг мустақиллигини тан олишларини таъкидладилар. Чегараларнинг бузилмаслиги принципининг моҳияти қуйидаги уч ҳолат билан изоҳланади: 1) мавжуд чегараларни халқаро ҳуқуққа мувофиқ юридик жиҳатдан ўрнатилган деб тан олиш; 2) айна пайтда ва истиқболда ҳар қандай ҳудудий даъволардан воз кечиш; 3) ушбу чегараларга ҳар қандай тажовуздан, жумладан, куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишдан воз кечиш¹.

Чегараларни делимитация қилиш – чегара чизиғининг ўтиш жойини харитага тушириш орқали шартномада белгилаш. Давлат чегарасининг чизиғи туширилган харита делимитация тўғрисидаги шартноманинг таркибий қисми ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, чегараларни делимитация қилиш тўғрисидаги шартномалар ратификация қилиниши лозим. Делимитация қилиш тўғрисидаги шартномалар давлат чегараларини жойларда халқаро-ҳуқуқий расмийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Чегараларни демаркация қилиш – чегараларни делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома ҳамда унга илова қилинган харита ва изоҳларга мувофиқ, давлат чегараси чизиғини жойларда белгилаш. Давлат чегараси

¹ Х.Т.Одилқориев. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи Т.Академия. 2011, 69-б.

чизиғи чегара белгилари билан ўрнатилади. Чегараларни демаркация қилиш махсус тузилган қўшма комиссия томонидан амалга оширилади. Қўшма комиссиянинг фаолияти натижасида аввал делимитация қилиш тўғрисидаги шартномада белгиланган чегара чизиғига айрим ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси умумий узунлиги 6000 км.дан ошувчи давлат чегарасига эга. Шулардан Қозоғистон билан – 2440 км, Туркманистон билан – 1632 км, Тожикистон билан – 1190 км, Қирғизистон билан – 1086 км ва Афғонистон билан – 156 км.

Ўзбекистон Туркманистон Республикаси билан халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда чегараларни аниқлаштириш бўйича музокаралар тизимини йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Делимитация бўйича ҳукуматлараро комиссия музокараларининг Ашхобод раунди 2000 йил 23 июнда ўзаро ҳудудий эътирозлар мавжуд эмаслиги ва республикалараро собиқ чегара давлатлараро чегара сифатида эътироф этилиши қайд этилган баённоманинг имзоланиши билан якунланди. Шу йил 22 сентябрда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Туркманистонга расмий ташрифи чоғида Давлат чегарасини делимитация қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Минтақанинг энг муҳим стратегик хавфсизлиги масаласида ҳам Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида яқдил позиция мавжуд. Марказий Осиё Афғонистондаги фуқаролар уруши туфайли фронт ёқасидаги минтақа ҳисобланади. Фуқаролар уруши туфайли ва Толибон диний -радикал гуруҳининг фаолияти натижасида Афғонистон халқаро терроризм, нарқобизнес, қурол-яроғ контрабандасининг маркази бўлиб қолмоқда. Афғонистонда ва минтақада барқарорликни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро тадбирларда Ўзбекистон ва Туркманистон фаол иштирок этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ташаббуси билан 1998 йилда ташкил топган «6 +2» гуруҳининг БМТ раҳбарлигида 1998 – 1999 йилларда олиб борган фаолияти Афғонистонда экстремизм ва терроризмга қарши

курашда катта аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаш лозим. Бу гуруҳ Афғонистон билан чегарадош олти давлат (Хитой, Ўзбекистон, Покистон, Эрон, Тожикистон, Туркменистон) ва минтақа ташқарисидан Афғонистондаги вазиятга жиддий таъсир кўрсатиб турган икки давлат АҚШ ва Россиянинг юқори даражадаги вакиллари билан ташкил қилинган эди. Бу гуруҳ бир қатор мажлислар ва музокаралар ўтказиб, уларга Афғонистонда бир – бири билан курашаётган кучлар вакиллари билан жалб қилиб «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида» ги Тошкент Декларациясини ва минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича бир қатор бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқди. Аммо 2001 йилда халқаро коалиция томонидан террорчиликка қарши операция бошлангани муносабати билан мазкур гуруҳнинг фаолияти сусайди.

Ўзбекистон ва Туркменистон Афғонистонда ҳарбий йўл билан эмас, имкон қадар тинч, дипломатик ва ислоҳотлар йўли билан барқарорликни таъминлаш позициясини ёқлайди. Бунда аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислоҳотларни босқичма – босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан Ўзбекистон раҳбарияти 2008 йил 3 апрель куни Бухарестда НАТО – Евроатлантика саммитида «6+2» гуруҳининг фаолиятини қайта тиклаш ва ҳозирги воқелик, музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси албатта иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда «6+2» гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантиришни таклиф этди¹.

Барча Марказий Осиё республикалари каби Ўзбекистон ва Туркменистон ҳам, етакчи мамлакатлар бир бўлиб, Афғонистонда магистрал йўллар барпо этиш ғояси, Марказий Осиёни Афғонистон орқали

¹[Http:// www. mfa.uz/ rus/ mej_sotr/](http://www.mfa.uz/rus/mej_sotr/) – Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигининг расмий ахборот сайти.

турли минтақалар билан боғловчи автомобиль йўллари барпо этишни, Марказий Осиё ва Афғонистон худудидан ўтадиган нефть-газ қувурлари ва бошқа коммуникациялар бўйича кенг миқёсли лойиҳалар устида иш олиб бориш борасидаги ташаббусларда фаол иштирок этмоқда. Туркменистон Республикаси ҳам терроризмга қарши қаратилган кўплаб халқаро шартномаларни ратификация қилиб, улардаги мажбуриятларни изчил бажариб келмоқда. БМТ нинг терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашга қаратилган 13 та ҳужжати (11 та Конвенция ва 2 та Протокол) мавжуд. Ҳозирда Ўзбекистон 12 та ана шундай халқаро шартномаларни ратификация қилган. Улар қаторида 1979 йилдаги «Гаровга олиш ҳаракатларига қарши кураш», 1997 йилдаги «Бомбавий терроризмга қарши кураш», 1999 йилдаги «Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш» халқаро конвенциялар борлигини кўриш мумкин.

Марказий осиёнинг беш давлати Европа Кенгаши доирасида ҳам терроризмга қарши қаратилган халқаро шартномаларни имзолаган. Уларнинг асосийлари 1977 йилдаги терроризмнинг олдини олиш; 1978 йилдаги шахсларнинг ўқотар қуролларни сотиб олиш ва уларнинг сақлашини назорат қилиш; 1983 йилдаги зўравонлик билан амалга оширилган жиноятлар оқибатида жабрланганларга компенсациялар бериш тўғрисидаги Европа конвенциялари ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Президенти минтақавий ҳамда халқаро хавфсизликни таъминлашда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишнинг стратегик аҳамиятини инобатга олиб, энг юқори мартабали минбарлардан туриб, жаҳон афкор оммасининг эътиборини афғон можаросини ҳал қилиш заруратига қаратаётир. Хусусан, Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида, орадан бир ой ўтиб, МДХ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида ҳамда 2017 йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтган “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзуидаги

¹ Х. Одилқориев. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. Т. Академия, 2015, 188-б.

халқаро конференцияда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, “Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб боришдир. Афғонистон масаласи глобал миқёсдаги масалалар марказида бўлиши лозим. Халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатлари, биринчи навбатда, Афғонистондаги ўтқир ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши керак”¹.

Ўзбекистон ҳамда Афғонистон ўртасидаги замонавий муносабатлар икки мамлакат халқларининг фаровонлигини оширишга, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган кўп томонлама сиёсий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш билан тавсифланади.

Марказий Осиёда яна бир стратегик масала - трансчегаравий дарёлар ва сув ресурсларидан унумли фойдаланиш каби зиддиятли масалаларда ҳам Ўзбекистон ва Туркманистон халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган позицияларини намойиш этиб келмоқда. Собиқ Совет тузумининг пахта яккаҳокимлиги шароитида ва энергетика захираларининг янги манбаларини кўпайтиришга бўлган интилишларни Сирдарё ва Амударёдан сув ресурсларидан аёвсиз фойдаланиш ҳисобига руёбга чиқариш йўлидаги максимал лойҳалари биринчи навбатда Орол экологик муаммосини вужудга келтирган бўлса, иккинчи навбатда мустақил Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларга “Сув омили” ҳал қилувчи раҳна солган омилга айланишига олиб келди. XX аср охири XXI аср бошларида Қирғизистон ва Тожикистондаги йирик ГЭСларнинг қурилиши биринчидан Орол фожиясининг янада жиддийлашуви ва шунга қўшимча равишда янги экологик муаммоларнинг пайдо бўлишига, иккинчидан, қўшни давлатларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 19 –сентябр БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи. Халқ сўзи. 2017 йил, 19-ноябр.

сув танқислиги шароитида халқ хўжалиги тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасининг барқарорлигига, учинчидан йирик табиий офатлар кутилиши шароитидаги катта йўқотишлар бўлиши мумкинлиги борасидаги таҳдидларнинг кучайишига, тўртинчидан минтақадаги интеграцион жараёнларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Марказий Осиёдаги сув муаммоси ташқи манфаатдор кучларнинг биринчи навбатда, Эрон ва Россиянинг минтақадаги фаоллигини ҳам кучайтирмоқда. Демак минтақада сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг прагматик механизмини амалга ошириш минтақани геосиёсий ўйинлардаги хавфсизликлардан ҳам ҳимоя қилишининг ҳам муҳим кафолатларидандир. Кейинги ўн йилликларда Марказий Осиёда ҳам сувдан фойдаданиш муаммоларини ўзаро ахдлашувлар асосида тартибга солишга асос солинди. Ушбу йўналишда “Орол денгизи ва Орол бўйининг муаммоларини ҳал этиш, Орол минтақасини экологик соғломлаштириш ва унинг ижтимоий- иқтисодий ривожланишини таъминлаш бўйича биргаликда саъй-ҳаракатлар тўғрисида”, 1993 йилда қабул қилинган Битим , “Сирдарёнинг сув – энергетик ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ”, 1998 йил 17 мартдаги Битим, 1995 йил 5 сентябрдаги Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммолари бўйича Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Нукус декларацияси, Марказий Осиё давлатлари бошлиқларининг 1997 йил 28 сентябрдаги Алмати ва 1999 йил 9 апрелдаги Ашхобод декларациялари қабул қилинган. Туркменистон раҳбарияти нейтрал позицияга қарамасдан, сув ресурсларини адолатли тақсимлаш, Орол муаммосига бағишланган халқаро тадбирларда фаол иштирок этиб келади. Жумладан, 2008 йил декабрда Ашхободда Европа Иттифоқи – Марказий Осиё форматида “Атроф – муҳит ва сув ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик учун платформа” мавзусида нуфузли конференция бўлиб ўтди. Ушбу халқаро анжуманда ҳукуматнинг вакиллари, минтақа вакилларининг сув хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари ва етакчи мутахассислари, шунингдек бошқа ва

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар вакиллари қатнашди. Тадбирда сўзга чиққан Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пер Морел Орол денгизи ҳавзасининг сув ресурсларини ҳамкорликда бошқариш масаларини қатъий халқаро ҳуқуқий нормалар асосида тартибга солиш зарурлигига эътиборини қаратди. Шунингдек, у минтақада сувдан фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда унинг “нозик” жиҳатларини ва Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари учун бу муаммонинг муҳимлиги эътиборга олиши зарурлигини, бунда ҳар қандай қарор барча манфаатдор томонларнинг нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда қабул қилиниши кераклиги таъкидланди.

Италиянинг атроф – муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги вакили М.Котссоне, Германия ташқи ишлари вазирлиги вакили М.Юнгиус, Европа Иттифоқи Комиссияси “Европ Ейд” ҳамкорлик бюросининг Осиё ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича департаменти раҳбари В.Ханна, БМТ Европа иқтисодий комиссияси атроф – муҳит, коммунал хўжалик ва ер ресурслари бошқармаси директори М.Кейнер умумий минтақавий экологик таҳдидларга қарши курашиш халқаро ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш, барча мамлакатлар манфаатларини эътиборга олган ҳолда оқилана минтақавий ёндашувга эришиш, экологик омилларнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсирини камайтириш мақсадида Европа Иттифоқи билан Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарурлигини қайд этди. Конференция иштирокчилари Орол денгизи муаммосидан ғоятда ташвишда эканлигини билдирди. Трансчегаравий дарёларда амалга ошириладиган ҳар қандай ҳатти – ҳаракатлар минтақада қарор топган экологик ва сув балансига салбий таъсир кўрсатмаслиги зарур. Сувдан фойдаланиш ва экология соҳаларда амал қилаётган халқаро – ҳуқуқий база Марказий Осиё трансчегаравий дарёлари ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш бўйича самарали тизимнинг асоси бўлмоғи даркор.

Ашхобод учрашуви куйидагиларни яна бир бор таъкидлаб ўтди. Халқаро ҳамжамият Европа давлатлари ҳукуматлари ва Европа Комиссияси вакиллари асрлар давомида қарор топган ҳамда иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва миллионлаб кишилар учун даромат манбаи бўлган дарё оқими ҳажми ва таркиби ўзгармаслигини кафолатловчи тегишли техник экспертизасиз гидротехник иншоотларни қуриш бўйича асоссиз хатти ҳаракатларга қарши эканлигини шунингдек, минтақада экология учун, айниқса Орол денгизи ҳавзаси учун янги таҳдидларга йўл қўйиб бўлмаслиги таъкидланди¹.

Конференция иштирокчилари шуни қайд этдики, Орол фожияси табиатдан фойдаланишнинг ўзгариши нуқтаи назаридан ҳам, тўғонлар қурилиши мўлжалланаётган ҳудудлар юқори сейсмик зона эканлиги билан боғлиқ бўлган техноген ҳалокатлар нуқтаи – назаридан ҳам юз минглаб одамлар ҳаётига таҳдид солувчи янги авантюраларга қарши огоҳлантириш бўлмоғи зарур. Бугунги кунда бу минтақанинг 6 давлатида истиқомат қилувчи 50 миллиондан зиёд аҳолининг манфаати ётади. Шунинг учун Амударё ва Сирдарё оқимидан фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда, шу жумладан, гидроэнергетик иншоотлари қурилишида ушбу манфаатлар, албатта инобатга олиниши зарур. Акс ҳолда бу Амударё ва Сирдарёнинг қўйи қисмини сув билан таъминлашни янада оғирлаштириш қуриб бораётган Орол денгизининг экологик инқирозини янада кучайтириши мумкин.

Бундан ташқари Марказий Осиёда сув хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича минтақа давлатлари вакиллари томонидан тузилган Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг фаолиятида ҳам мазкур стратегик муаммони ечими

¹ Ғ. Мирзаев. Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи. Т. Шарқ зиёкори. 2018, 155-б.

бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Кейинги чорак аср мобайнида мазкур тузилма умумий сув ресурсларини давлатлараро аҳамиятга эга бўлган каналлар, қурилмалар орқали ҳеч қандай зиддиятларсиз тақсимлаб келмоқда.

2017 йил давомида Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси бир нечта тадбирлар ўтказилди. Буларнинг энг асосийлари, “Глобаллашув шароитида сув хўжалигини самарали бошқариш муаммолари ва истиқболлари” мавзуидаги илмий-амалий конференция (11–12 апрель, 2017 йил, Тошкент), “Марказий Осиёда сув дипломатияси – 2030 йилгача мулоқот. Сув хавфсизлиги ва инклюзив ўсиш” (18–20 июнь, Остона), “Марказий Осиёда трансчегаравий ҳамкорлик – бутун минтақанинг хавфсизлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги” (7 сентябрь, 2017 , Олма-ота), шунингдек, “Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси фаолиятини мустаҳкамлаш режаси” бўйича ишчи гуруҳнинг учрашувлари шулар жумласидандир¹.

Умуман, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистон ҳамда қўшни давлатлар ва минтақавий ва халқаро ташкилотлар ўртасида тўлақонли ҳамкорликни янада ривожлантиб бориши, эришилган ижобий натижалар Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилади.

¹ [Http// www. mfa.uz/ rus/ mej_sotr/](http://www.mfa.uz/rus/mej_sotr/) «Трансграничные экологические проблемы Средней Азии: применение международных правовых механизмов для их решения».

2.2. Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқалар.

Ўзбекистон ва Туркменистонни асрлар давомида яқин маънавий кадриятлар, тил, дин, тарих, урф-одат ва анъаналарга асосланган мустаҳкам дўстлик ришталари ва яхши қўшничилик боғлаб туради. Қардош ўзбек ва туркман халқлари бир-бирининг адабиёти, маданияти ва санъатини яқиндан билади ва ҳурмат қилади. Аждодларимизнинг бой мероси ўзбек ва туркман халқларининг умумий бойлигидир. Бу омиллар турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни жадал ривожлантиришдан Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам бирдек манфаатдор эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Мамлакатларимиз мустақилликка эришгач, икки давлат ўртасидаги анъанавий ишонч ва дўстликка асосланган алоқалар янги замон руҳида ривожланиб бормоқда. Сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришни икки мамлакат ҳам устувор вазифа сифатида белгилаган. Икки давлат раҳбарлари ўртасида қарор топган самимий ва ишончга асосланган муносабат, турли даражадаги мунтазам сиёсий мулоқотлар бунинг яққол далилидир.

Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди. 2010 йилнинг октябр ойида навбатдаги олий даражадаги ташриф амалга оширилди – Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримов Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Икки мамлакат раҳбарларининг музокаралари якунида томонлар сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга бўлган интилишларини тасдиқладилар ва икки дўст давлатнинг эришилган келишувларни самарали амалга оширишга қаратилган давлатлараро ва ҳукуматлараро муносабатлари механизмларини ривожлантиришга интилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги кенг қўламли ҳамкорликка оид долзарб йўналишларни қамраб олган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражада имзоланган 160 дан ортиқ халқаро шартномалар икки мамлакат муносабатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилмоқда¹.

Икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик қўлами ҳам кенг. Ўзаро товар айланмаси ҳажми изчил ўсиб бормоқда ва 2010 йил якунлари бўйича қарийб 200 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Лекин, бу ҳали Ўзбекистон ва Туркменистон имкониятларига тўла мос кўрсаткич эмас. Ўзбекистоннинг Туркменистонга экспорти минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, полиз маҳсулотлари, электрик ва механик ускуналар, транспорт воситалари, қора ва рангли металллардан ишланган буюмлар ва турли соҳадаги хизмат кўрсатишдан иборат. Туркменистондан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари, сульфат кислота каби товарлар келтирилади.

Ўзбекистон томони 2012 йилда имзоланган Ўзаро етказиб бериш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда 2013-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ икки томонлама савдо ҳажмини янада ошириш ва уни диверсификация қилишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон корхоналари Туркменистон бозорига узок муддатли асосда ва кенг қўламда машинасозлик, электротехника ва кимё саноати маҳсулотлари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, замонавий енгил ва юк ташувчи автомобиллар, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, қайта ишланган полиз маҳсулотлари етказиб бериш тизимини йўлга қўя олди. Иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда Савдо-иқтисодий,

¹ www.iqtisodiyot.uz. М. Рахмонов Логистика инфратузилмасини ривожлантириш истикболлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали.2017, № 4, 12-б.

илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркменистон ҳукуматлараро комиссияси самарали механизм вазифасини ўтамоқда.

Кейинги йилларда Президентимиз Ш.Мирзиёев раҳбарлигида мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналиши – яқин қўшниларга нисбатан очиқ ва конструктив сиёсат олиб бориш, Марказий Осиёдаги муаммоларни тенглик, ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш ва оқилона келишув асосида ҳал этишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди. Минтақанинг барча давлатлари билан олий даражадаги ташрифлар алмашуви бўлиб ўтди. Бу ўз навабтида ўзбек-туркман алоқаларида сифат жиҳатдан янги босқичга ўтганлигидан далолат беради¹.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 6-7 март кунлари Давлат ташрифи билан Туркменистонда бўлди.

Анъанавий дўстона ва ўзаро ишонч муҳитида ўтган музокаралар давомида давлат раҳбарлари икки томонлама кенг кўламли ҳамкорликнинг барча жабҳалари, шунингдек халқаро майдондаги ҳамжиҳатлик соҳалари бўйича фикр алмашдилар. Томонлар кўрилган барча масалалар бўйича қарашлар ўхшаш эканлигини таъкидладилар. Президентлар муқаддам эришилган келишувлар ва имзоланган икки томонлама ҳужжатларнинг бажариб борилишини муҳокама қилиб, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги давлатлараро алоқалар ривожининг юқори суръатини қайд этдилар. Ўзбек-Туркман муносабатларини янги босқичга олиб чиқишга интилган ҳолда, Давлат раҳбарлари қардош халқлар ўртасидаги тарихан шаклланган анъанавий дўстона ва аҳил қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат

¹ А.Хонов . Дунёси бир ўзбек билан туркманнинг. Миллатлараро ҳамжиҳатлик ҳосиласи. Ишонч газетаси. 2017, 16-февраль.

килувчи Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги Шартномани имзоладилар. Томонлар ташриф давомида имзоланган 2018-2020 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома доирасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, икки давлат минтақалари ва хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлайдилар ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистонда ўтказиладиган кўрғазма-ярмарка тадбирларида иштирок этишларига кўмаклашадилар. Яратилган қулай шарт-шароитлар ва икки давлат ҳудудида ташқи савдо юкларини транзит ташишга 2017 йилда ўзаро преференцияларнинг тақдим этилиши транспорт коммуникациялари ва инфратузилмаларини самарали иш юкларини билан таъминлаш, шунингдек ташишларни янада ошириб бориш ва қўшимча юк ҳажмларини жалб этишда ташкилотлар учун аниқ ва равшан истиқболларни белгилашга имкон яратиши таъкидланди. Ўзбекистон ва Туркменистон иқтисодиётида ҳали тўла ишга солинмаган кўплаб имкониятлар мавжуд. Улардан фойдаланиб, ўзаро савдо айланмасини жадал ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди. Икки мамлакат бозорларига харидоргир маҳсулотлар етказиб бериш, ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалалари муҳокама қилинди. 2020 йилга бориб товар айирбошлаш ҳажмини 500 миллион долларгача етказиш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди¹.

Иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. 2019 йилга келиб алоқаларда яна ўзига хос муҳим силжишлар рўй берди. 2019 йил 28 ноябрь куни Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 28 ноябрь куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди. Туркменистон

¹ <http://www.uza.uz/oz/politics>. Бабаев А. Муштарак мақсадлар йўлидаги муҳим кадам. Ўзбекистон – Туркменистон: яқин қўшничилик ва қардошлиқ ришталари мустаҳкамланмоқда.

Президентининг бу галги ташрифи давлат раҳбарлари дўстлигининг яна бир ифодаси, 29 ноябрь куни пойтахтимизда ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви олдида самимий мулоқотдир. Музокаралар чоғида амалий ҳамкорлик масалаларига, жумладан, ўзаро савдони кенгайтириш, машинасозлик, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор тармоқларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Туркменистон минтақадаги асосий савдо шерикларимиздан бири. Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникаси, мева-сабзавотлар, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари, турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркменистондан юртимизга нефть ва нефть маҳсулотлари, механик ускуналар, пропилен полимерлари, бошқа кимёвий товарлар келтирилади.

Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошмоқда. Жумладан, 2018 йилда 302 миллион доллардан ошган бўлса, 2019 йил январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич 429 миллион долларни ташкил этди¹.

Транспорт соҳаси ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга, Туркменистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Уммон халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим геостратегик аҳамиятга эгадир. 2017 йилда Амударё орқали ўтадиган Туркманобод – Фороб янги темир йўл ва автомобиль кўприклари очилди. Бу юк ташиш ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини берди. Амударё орқали ўтадиган кўприklar юк оқимларини Осиё ва Тинч океани минтақаси, Жанубий Осиё давлатларидан Каспий денгизи, ундан кейин қора денгиз ва Ўртаер денгизи

¹ А. Сойибназаров. Ўзбек-туркман ҳамкорлиги истиқболлари. XXI аср газетаси. 2019 йил 21-октябр.

минтақаси, Европа, Кавказorti, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига тўғридан-тўғри олиб чиқиш имконини беради. Шунингдек, ушбу кўприклар Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Уммон транспорт-транзит йўналишининг муҳим бўғини ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам углеводород ресурсларига бой. Уларни экспорт қилиш ўзаро мувофиқ ҳаракат қилишни талаб этади. Ана шундай яқин ҳамкорлик мамлакатларимиз учун энергетика йўналишларини диверсификация қилиш ва жаҳон бозорларига чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. 2009 йилда ишга тушган Туркменистон – Ўзбекистон – Қозоғистон – Хитой газ қувури бунинг ёрқин мисолидир. Мазкур газ қувури йилига 25 миллиард куб метргача газ етказиш қувватига эгадир. Бизга дунё денгизларига энг яқин йўл айнан Туркменистон ҳудудлари орқали ўтади. Бугун Ўзбекистон ва Туркменистон Темир йўллари ўзининг ҳамкорлигини бошлади. Биз тўппа-тўғри Туркменистон орқали 600-700 км йўл ҳисобига Эрон портларига чиқа оламиз. Ва бу, энди, бутунлай транспорт-логистикамизни жудаям бир янги даражага кўтаради, унинг самарадорлигини ниҳоятда оширади. Ўзбекистон йирик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи давлат. Ҳозир белгиланган режалар, амалга оширилаётган лойиҳалар яқин йилларда Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини икки бараварга ошишини таъминлаши керак. Демак, биз ўзимизнинг тайёр саноат маҳсулотларимизни, автомобилларимизни, қишлоқ-хўжалик, кимёвий маҳсулотларимизни жаҳон бозорига чиқариш учун мана шу - Туркменистон орқали ўтадиган темир йўлдан жуда фаол фойдаланишимиз мумкин бўлади.

Ўзбекистон учун Туркменистон орқали ўтувчи автомобиль йўллари ҳам жуда қулай. Эрон портларига автомобиль йўллари орқали бир суткада етиб бориш мумкин. Бу энди Ўзбекистонни ҳамма юкларини Россия орқали, Қозоғистон орқали 3-4 минг километрлаб, ёки океанларга чиқадиган бўлса, 10 минг километр ташиб юришдек оғир, юксак харажатли нарсалардан қутқаради. Икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари орқали ўзаро

савдо юклари ташилмоқда, учинчи давлатлар учун ҳам транзит қилинмоқда. Хусусан, 2018 йилда темир йўл орқали халқаро юк ташиш ҳажми 23,7 фоиз ошган эди. Жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан яна 37 фоизга ўсди. Автомобиль орқали ташишда ҳам ижобий суръатларни кўриш мумкин. 2018 йилда бу борада 3,5 марта ошиш кузатилган эди. Жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 марта ўсди¹.

Автомобил, темирйўл, сув ва қувур транспорти соҳасидаги алоқаларнинг такомиллашуви ҳар иккала давлатни ҳам жаҳон бозорига имкон қадар тезкор чиқиши ва интеграциялашувини янада тезлаштиради. Бундан ташқари икки давлат ўртасида Тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида 2018-2020 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид меморандум, 2017-2019 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, 2017-2018 йилларда ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури, Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ хўжалиги техникалари ва кимё маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар мавжуд бўлиб, ҳамкорликнинг истиқболли эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда Хоразм вилояти билан Дашовуз вилояти, Бухоро вилояти билан Лебап вилояти ҳокимликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар ҳам имзоланган. Айнан мазкур вилоятлар икки давлат ўртасидаги транспорт алоқалар тизимининг янги марказлари сифатида қад кўтармоқда.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки икки давлат ўртасидаги алоқаларда муассасалар ҳам фаол ўрин тутади. Шулардан бири маданий алоқаларда фаол бўлган Республика Туркман маданий

¹ Шарифхўжаев Н. Маркази Осиёда транспорт –коммуникация ҳаморлигини такомиллаштириш истиқболлари. // Бозор. Пул. Кредит. 2018, №. 14, 15-б.

Маркази ҳисобланади. Мамлакатимизда яшайдиган 189 мингга яқин ортик туркманлар ўз миллий маданиятлари, тили, анъаналари ва урфодатларини асраш ҳамда ривожлантириш бўйича конституциявий ҳуқуқларини 2001 йил 7 май куни ташкил қилинган Республика Туркман маданий маркази орқали амалга оширади. Бугунги кунга келиб ушбу марказнинг таркибий тузилмаси ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси Туркман маданий маркази, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бўлинмалари фаолият юритиб келмоқда. Марказлар ўқитиш туркман тилида олиб бориладиган 44 та мактабга кўмаклашадилар, ушбу мактаблар учун мутахассислар Қорақалпоқ давлат университетининг туркман филологияси факултетида, Беруний шаҳридаги педагогика коллежида тайёрланади. Бундан ташқари, республикада туркман тилида бир қатор газета ва журналлар чоп этилади. Ёшлар билан ишлаш дастурлари доирасида марказлар қошида ҳаваскор бадиий жамоалар ташкил этилган бўлиб, улар орасида энг машҳури Қорақалпоғистон Туркман маданий маркази қошида фаолият юритувчи “Орзу” ансамбли ҳисобланади. Ушбу марказда “Мекан” газетаси ҳам чоп этилади. Марказ ва унинг бўлинмалари Ўзбекистоннинг Наврўз, Мустақиллик куни, Конституция куни сингари умумхалқ байрамларида фаол қатнашадилар. Бошқа жамоат ва давлат ташкилотлари иштирокида туркман тилининг асосчиси, буюк шоир ва аллома Маҳтумқули, туркман мумтоз шоири Молланас Қодирберди ўғли каби инсонлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилиши анъанага айланган. Тадбирлар давомида ушбу арбобларнинг ўзбек тилига таржима қилинган китобларининг тақдими ўтказилади, туркман санъати ва халқ хунармандчилиги намуналари намойиш қилинади. Ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатли ҳамкорлик тамойилларига асосланган ўзбектуркман муносабатларининг ривожланишига кўмаклашиш баробарида марказлар жамоатчилиги томонидан ҳар йили ўзбектуркман дўстлиги кечалари ташкил қилинади. Ўзбекистон Туркман маданият маркази вакиллари ҳар йили Жаҳон

туркманларининг гуманитар ассоциацияси, Туркман кўл гиламдўзлигини кадрловчилар умумжаҳон ассоциацияси конференцияларида, Миллий урфодатлар ва анъаналар халқаро фестивали сингари анжуманларда иштирок этади.

Бугун Ўзбекистон – Туркменистон алоқалари 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил равнақ топмоқда. 2016 йил май ойида Туркменистон Президенти таклифи билан Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидан 100 нафар ўқувчи Туркманбоши шаҳридаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасидаги “Даянч” болалар соғломлаштириш марказида бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19-20 май кунлари Туркменистонга амалий ташрифи давомида "Аваза" сайёҳлик зонасининг "Камалак" болалар кўнгилочар боғида дам олаётган ўзбекистонлик ёшлар билан учрашди. Бундай тадбирлар ҳам икки қардош халқ ўртасида маданий ва дўстлик алоқалари ривожига хизмат қилади. Қайд этиш керак, юртимизда истиқомат қилувчи туркман миллатига мансуб аҳолининг ўз маданияти, урф-одат ва анъаналарини ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратилган. Бунда халқ дипломатияси муҳим ўрин тутмоқда¹. Ўзбекистон – Туркменистон дўстлик жамияти томонидан икки халқ ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Туркман халқи маданияти ва анъаналарини асраш ва тарғиб қилиш мақсадида мамлакатимизнинг туркман миллатига мансуб фуқаролари яшовчи ҳудудларда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда турли лойиҳалар, маданий-маърифий тадбирлар ташкил қилиняпти. Жумладан, юртимиздаги туркман ёшларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларга ўз истеъдоди ва иқтидорини намоён қилишда ёрдам беришга қаратилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Таълим туркман

¹ А. Хонов. Навоий бир ўзбек билан туркманнинг. Хуррият газетаси. 2017, – 28 май.

тилида олиб бориладиган мактабларда адабий кечалар, учрашувлар ва маданият кунларини ўтказиш анъана тусини олган. Ўзбек ва туркман халқларининг миллий байрамлари муносабати билан маданий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар доимий равишда ўтказиб келинмоқдаки, бу кўп миллатли диёримизда ёшларни ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат ва бағрикенглик руҳида тарбиялаш, ягона Ватан йўлида умумий мақсадлар сари бирлаштириш имконини бермоқда. Бу борада 2011-2013 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистонда ва Туркменистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестиваль ва кўриклар, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда. 2009 йилги “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида туркменистонлик хонанда Лале Бегназарова Гран-при соҳиби бўлган эди, 2011 йилдаги фестивалда эса “Галкиниш” ижодий гуруҳи учинчи ўринни эгаллади. Олий даражадаги учрашувлар доирасида бир неча марта Ўзбекистон ва Туркменистон санъаткорларининг қўшма концертлари ўтказилди. Ўзбекистон-Туркменистон халқларининг дўстлик фестивали деб аталган бу анжуманлар икки мамлакат маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. 2013 йилнинг август ойида Ўзбекистон вакиллари Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган иқтидорли болаларнинг “Аваза – дўстлик ўлкаси” халқаро фестивалида иштирок этди.

Қайд этиш керак, икки қардош халқнинг нафақат урф-одати, яшаш шароити, балки, адабиётга эътибори, маънавият сарчашмалари ҳам бир ирмоқдан сув ичган. Хусусан, 2017 йилнинг май ойида Тошкентда туркман шоири Махтумқули номидаги кўча ва шоир бюстининг очилиши, июнь ойида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ушбу атоқли туркман шоири ижодига бағишлаб ташкил этилган давра суҳбати фикримизнинг ёрқин мисолидир. 2018 йил апрель ойида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг мамлакатимизга ташрифи шарафига пойтахтимизда “Ашхобод” сайилгоҳи, Хоразм вилоятида “Ўзбек –

туркман" дўстлик уйи ва «Улли ҳовли» мажмуаси очилгани халқларимиз дўстлиги, аҳиллиги ва маданий яқинлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Жорий йилда Самарқандда ўтказилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали ва Қўқон шаҳрида ўтган Халқаро хунармандчилик фестивалида Туркменистон делегацияси муносиб иштирок этди. Юртимизда яшовчи барча миллат ва элатларнинг ўз она тилида таълим олиши учун барча шароит яратилган. Жумладан, 44 мактабда таълим туркман тилида олиб борилмоқда. Улар давлат таълим стандартлари асосида туркман тилида чоп этилган дарсликлар билан тўлиқ таъминланган. 2019 йилда кенг жамоатчилик, ота-оналар хоҳиш-истакларига кўра, Президентимиз тавсияси билан 11 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим жорий этилди. Шу тариқа ўқувчилар ўз она тилида ўрта таълимни яқунлаш имконига эга бўлди. Биргина туркман тилидаги мактаблар мисолида оладиган бўлсак, ўқув йили бошида 20 номдаги 18 минг нусхада дарслик чоп этилиб, мактабларга етказилди. Дарсликларни сифат жиҳатдан янгилаш ва бойитиб бориш мақсадида туркменистонлик ҳамкасблар, тилшунос олим ва адабиётшунослар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган¹.

Шунингдек, иқтидорли ўқувчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида ўтказиладиган турли ижодий танловлар туркман тилида ҳам ташкил этиляпти. Машғулотларни туркман тилида олиб борадиган маҳоратли педагогларнинг илғор тажрибаси оммалаштирилмоқда. Ҳозирги кунга қадар ана шундай устоз-мураббийларнинг икки нафари "Дўстлик" ордени, бир нафари "Шухрат" медали билан тақдирланган. 2009 йилдан Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетида туркман филологияси йўналиши бўйича ўқитувчилар тайёрланмоқда. Туркменистон халқ рассоми, ҳайкалтарош Б.Аннамуродов ва бошқалар ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, қардошлик алоқалари маданий соҳада ҳам изчил раванқ топаётганини Ўзбекистон Бадиий Академиясига ташрифида

¹ А. Абдиев. Боқий дўстлик. Маърифат газетаси. 2019 йил 29 октябр.

таъкидлади. Ашхободда мамлакатимиз рассомлари ижодига мансуб кўргазмалар ташкил этилиши ва Туркменистонлик рассомлар ва фотомусаввирлар Ўзбекистонда ўз кўргазмалари иштирок этиши тасвирий санъат борасида ўзаро ҳамдўстликни янада ривожлантиради. Ватанга, она табиатга, оилага, фарзандларга меҳр-эътибор, миллий қадриятларга эҳтиром ўзбек ва туркман рассомлари ижодидаги муштарак жиҳатлардир. Бундай кўргазмалар ўзаро ижодий мулоқот ва маданий ҳамкорлигимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Туркменистонлик Б.Бердиев, Д.Ёқубова, М.Ёрмамедов сингари мусаввирларнинг табиат манзаралари, миллий анъаналар, меҳнатсевар кишилар ҳаёти акс этирилган ўнлаб асарлари билан томошабинлар эътиборига ҳавола этганлар. Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. “Буюк ипак йўли” лойиҳаси доирасида ўзаро боғланган саёҳатлар ташкил этилмоқда. Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксалмоқда. Икки мамлакат олимлари қишлоқ хўжалиги, нефть кимёси ва бошқа соҳаларда биргаликда изланишлар олиб бормоқда. Қардош халқнинг кўплаб ўғил-қизлари юртимиздаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида таълим олаётганини таъкидлаш жоиз. Бу кўшни мамлакатдан Ўзбекистонга билим ва касб эгаллагани келаётган ёшлар сафи кенгайиб бораётир.

Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг қатор китоблари – “Бахтли ҳаёт соғлиқдан бошланар”, “Маданият – халқнинг бебаҳо хазинаси”, “Барҳаёт афсона”, “Чой – шифо ва руҳий қувват манбаи” номли китоблари ўзбек тилига таржима қилиниб, чоп этилиб илмий амвоатчиликка ҳавола қилинмоқда. Мазкур китобларда муаллифнинг саломатлик, туркман халқи маданияти ва урф-одатлари, туркман гиламчилиги, чой ичиш анъаналари ҳақидаги фикрлари, иқтибослари жамланган, мавзуга оид фотосуратлар билан бойитилган. Бундан ташқари Президент Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Фанлар академиясининг Фахрий академиги унвонининг берилиши ҳам ҳар икки

давлатнинг илм-фанга, таълимга ва бу жабҳалардаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланаиб бораётганлигининг расмий эътирофи натижасидири. Мамлакатимиз Фанлар академияси Туркманистон Президенти халқаро илмий доираларда кенг танилган ва эътироф этилган олим, замонавий тиббиёт, фармакология, иқтисодиёт, архитектура ва фаннинг бошқа соҳаларини ривожлантириш ҳамда Марказий Осиёнинг бой табиатини ўрганишга бағишланган қатор илмий қомусий асарлар муаллифи сифатида эътироф этади. Ўзбекистон ва Турк манистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларининг юксалиб бориши икки қардош халқ келажак авлодлари ўртасидаги аҳилликни янада мустаҳкамлаш билан бирга Марказий осие интеграциясини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Хулоса

Ўзбек ва туркман халқлари қадим замонлардан бери ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб, ўз маданиятларини ўзаро бойитиб келмоқдалар. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркменистон яхши кўшничилик ва дўстлик муносабатларини чуқурлаштириш, стратегик ҳамкорлик даражасини кўтариш учун алоҳида аҳамият беришмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Тошкентда Махтумқули номидаги кўчанинг тантанали очилиш маросими ва унинг юз қиёфаси билан безатилган ёдгорлик, шунингдек, Туркменистоннинг рамзи бўлган "Ашхобод" боғининг очилишини кўришимиз мумкин. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Туркменистонда ёдгорлик мажмуи очилди ва кўчалардан бирига Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номи берилди. Таъкидлаш жоизки, маданий мерос икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда алоҳида ўрингутади. Навоийни ўқимайдиган туркман оиласини ёки Махтумқули ижоди билан таниш бўлмаган ўзбекни топиш қийин.

Расмий Тошкент ва Ашхободнинг минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистон муаммосини халқаро тузилмалар ва ушбу мамлакат билан кўшни давлатлар иштирокида ҳал этиш бўйича музокаралар жараёнини жадаллаштириш, халқаро терроризм ва экстремизм, наркотрафик, уюшган трансмиллий жиноятчилик каби таҳдидларга қарши ҳамкорликда курашиш масалаларида қарашлари бир-бирига яқин ва ўхшашдир. Халқаро ташкилотлар доирасидаги, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорлик мамлакатларимизнинг халқаро майдондаги амалий ва самарали ҳамкорлигига мисол бўла олади.

Кейинги йилларда икки томонлама ва кўп томонлама доираларда бир қатор олий даражадаги учрашувлар ўтказилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар янги сифатли босқичига кўтарилди. Бунинг ёрқин далилини, 2017-йилнинг март ойида имзоланганб "Стратегик шерикчилик

тўғрисидаги” Шартномада кўзда тутилган куйидаги бандларда кўришимиз мумкин.

Биринчидан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгаймоқда. Бунга 2017-йилнинг мартада Ашхободда Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида 2018-2020-йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши янги импульс берди. Ўзбекистоннинг Туркменистонга экспорти минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, полиз маҳсулотлари, электрик ва механик ускуналар, транспорт воситалари, қора ва рангли металлдан ишланган буюмлар ва турли соҳадаги хизмат кўрсатишдан иборат. Туркменистондан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари, сульфат кислота каби товарлар келтирилади. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошмоқда. Жумладан, 2018 йилда 302 миллион доллардан ошган бўлса, 2019 йил январь-октябрь ойларида бу кўрсаткич 429 миллион долларни ташкил этди. Такидлаш жоизки, Ўзбекистонда “Артел” савдо белгиси остида йирик маиший техникалар ишлаб чиқарувчи тадбиркор Туркменистон худудида сув иситгичларни ва алюмин профилларини йиғувчи қўшма корxonани йўлга қўйди.

Иккинчидан, Ўзбекистон ва Туркменистоннинг чегара худудлари ўртасида кучли ўзаро муносабатлар ўрнатилган. Туркменистоннинг Лебап ва Дашоғуз туманлари билан Бухоро ва Хоразм вилоятлари ўртасида трансчегаравий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича келишувга эришилди. Икки мамлакатнинг чегара вилоят ҳокимиятлари ваколатхоналарининг вакиллик даражасидаги делегацияларнинг ўзаро ташрифлари натижасида бугунги кунда улар турли соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш устида иш олиб бормоқда. Хусусан, бизнинг аграномлар ўзларининг туркман ҳамкасблари билан биргаликда Ўзбекистонда нозик тола пахтаси ишлаб чиқариш усулларини ва амалиётларини такомиллаштириш устида иш олиб боришмоқда, интенсив боғ яратишдаги, мева ва сабзавотларни қайта ишлаш соҳаларидаги тажриба ва билимларни алмашадилар.

Учинчидан, транспорт соҳасида мақсадли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Икки мамлакатнинг интеграциялашган транспорт ва темир йўллари учинчи мамлакатлар учун транзит вазифасини бажаради. Президент Шавкат Мирзиёевнинг таъкидлашича, "Ўзбекистон Туркменистоннинг портлари орқали Каспий денгизига, халқаро транспорт коридорларига чиқиб кетишни мақсад қилиб қўйган". Шу йўналишдаги "Ўзбекистон-Туркменистон-Эрон-Уммон" транспорт-транзит коридорини қайд этиш табиий, унинг муваффақиятли амалга оширилиши транзит юк оқимларини кўпайтириш ва лойиҳа иштирокчиларини ташқи бозорларга энг қисқа ва самарали равишда кириш имконини беради. 2017 йилда Амударё орқали ўтадиган Туркманобод – Фороб янги темир йўл ва автомобиль кўприклари очилди. Бу юк ташиш ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини берди

Хусусан, 2018 йилда темир йўл орқали халқаро юк ташиш ҳажми 23,7 фоиз ошган эди. Жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан яна 37 фоизга ўсди. Автомобиль орқали ташишда ҳам ижобий суръатларни кўриш мумкин. 2018 йилда бу борада 3,5 марта ошиш кузатилган эди. Жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,8 марта ўсди .

Тўртинчидан, нефт-газ соҳасида кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро ҳамкорликкенгаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бу Ўзбекистон ва Туркменистон учун янги фаолият соҳаси. Бу ерда қўлга киритилган умумий тажриба бизнинг нефт ишлаб чиқарувчиларимиз учун келажакда янада кенгроқ минтақавий ва халқаро бозорларга чиқиш имконини беради ". Бу доирада қуввати йилига 25 миллиард кубометргача бўлган Туркменистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой газ қувурини кўришимиз мумкин.

Бешинчидан, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик чуқурлашмоқда. Ўзбекистонда 190 мингга яқин туркман фуқаролари яшайди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб туркманларнинг урф-одатларини, тилини ва маданиятини сақлаб қолиш мақсадида

мамлакатимизда Туркман маданият маркази ташкил этилди. 2017-йилда Нукус давлат педагогика институтига Ажиниёз номи берилди ва бошланғич синфларга туркман тилидан дарс бериш учун ўқитувчилар тайёрлаш факултети очилди. Умуман олганда, Ўзбекистон-Туркменистон муносабатлари кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш учун янги имкониятларни очмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш. Мирзиёев. Йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босиқчига кўтарамиз.Т.Ўзбекистон.2017.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль куни имзолаган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017 йил 19 – сентябр БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи. Халқ сўзи. 2017 йил, 19-ноябр.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган“Марказий Осиё:ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи.// Халқ сўзи. – 2017. – 11 ноябрь.
5. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси. – Т., 2012. – № 9/1 (1437) .
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон, 2017,6-б.
7. Ш. Арифханов.Центральная Азия: настоящее и будущее. Т. Адабиёт учқунлари. 2018.
8. Ғ. Мирзаев. Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ҳамкорлик алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш тарихи. Т. Шарқ зиёкори. 2018.
9. Е. Троицкий . Центральная Азия в системе международных отношений(1992-2009 гг.). Томск. 2010.
- 10.Д Г.Джамиева. История становления и развития Туркменистана как нейтрального государства(1995-2015 гг.). М. Дрофа. 2017.
- 11.Нуриддинов Э.З. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти: асослари ва устувор йўналишлари. // Ўзбекистон тарихи. – Т.: 2000 , №4.

- 12.С. Сафоев . Марказий Осиёда геосиёсат. Т. ЖИДУ.2005
- 13.Алимов Р. М. Центральная Азия: общность интересов. – Т.: Шарк . 2005.
- 14.Рахимов М.А. Современная история взаимоотношений Узбекистана и стран Центральной Азии с ведущими государствами мира. – Т.: Адабиёт учкунлари. 2016.
- 15.Х.Т.Одилқориев. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи Т.Академия. 2011.
- 16.Х. Одилқориев. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. Т. Академия, 2015.

Фойдаланилган журнал ва матбуот материаллари:

1. А. Саидов. Жаҳонда сув етишмаслиги билан боғлиқ инқирозлар. // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. 2010. № 2.
2. Махмудов А. Проблемы региональной безопасности и регионального сотрудничества в политике США в постсоветской Центральной Азии //Центральная Азия и Кавказ. 2015, № 3.
3. Шарифхўжаев Н. Маркази Осиёда транспорт –коммуникация ҳамкорлигини такомиллаштириш истиқболлари. // Бозор. Пул. Кредит. 2018, №. 14.
4. А. Соибназаров. Ўзбек дипломатияси ютуқлар сари. Халқ сўзи. 2018 йил 21-август.
5. А.Хонов. Дунёси бир ўзбек билан туркманнинг. Миллатлараро ҳамжиҳатлик ҳосиласи. Ишонч газетаси. 2017, 16-февраль.
6. А. Хонов. Навоси бир ўзбек билан туркманнинг. Хуррият газетаси.2017, – 28 май.
7. А. Сойибназаров. Ўзбек-туркман ҳамкорлиги истиқболлари. XXI аср газетаси. 2019 йил 21-октябр.
8. А. Абдиев. Боқий дўстлик. Маърифат газетаси. 2019 йил 29 октябр.

ИНТЕРНЕТ тармоғидан олинган маълумотлар:

1. [Http// www. mfa.uz/ rus/ mej_sotr/](http://www.mfa.uz/rus/mej_sotr/) – Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлигининг расмий ахборот сайти.
2. <http://www.uza.uz/oz/politics>. Бабаев А. Муштарак мақсадлар йўлидаги муҳим қадам. Ўзбекистон – Туркменистон: яқин қўшничилик ва қардошлик ришталари мустақамланмоқда.
3. [Http// www. mfa.uz/ rus/ mej_sotr/](http://www.mfa.uz/rus/mej_sotr/) «Трансграничные экологические проблемы Средней Азии: применение международных правовых механизмов для их решения».
4. www.iqtisodiyot.uz. М. Рахмонов Логистика инфратузилмасини ривожлантириш истиқболлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали.2017, № 4.